

**ЗООЛОГИЯДАН “НЕМАТОДАЛАР СИНФИ” МАВЗУСИНИ  
ЎҚИТИШДА “ФИКРЛАРНИНГ ШИДДАТЛИ ҲУЖУМИ”  
МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

А. Хуррамов, б.ф.н., Зоология кафедраси доценти

ТерДУ, Термиз шаҳри, e-mail: [Khurramov10@mail.ru](mailto:Khurramov10@mail.ru)

Г.Арамова, Зоология кафедраси ўқитувчisi

ТерДУ, Термиз шаҳри

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, ҳар қандай соҳада бўлгани сингари Олий таълим соҳасида ҳам анча кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига қўтариш, келажак учун баркамол авлодни тарбиялаш ишлари Давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимида соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат.

Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, мамлакатда ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ривожлантириш даврида таълим соҳасида ахборот ресурсларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг исботи сифатида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларни қабул қилинишидир. Бу қонунлар эса жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, таълимнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни асосий вазифа қилиб белгилайди. Бу эса ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида таълим сифатини ошириш мақсадида педагогик технологияларнинг интерфаол методларидан фойдаланиб дарс ўтиш барча фанлар сингари “Зоология” фанини ўқитишида ҳам долзарб эканлигини белгилаб беради.

Зоология фанига замонавий ахборот технологияларининг таълимий васиталарини жорий этиш, ўқитишининг янги методлари, шакллари ва

воситалари бўйича педагогик тадқиқотларни етарли даражада олиб борилаяпти деб бўлмайди.

Олий таълим муассасаларида машғулотларни самарали ташкил этиш учун турли интерфаол таълим методларидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчидаги технологик маданият, яъни таълим технологияларини, таълим беришнинг метод, шакл ва воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим. Гуруҳларда ишлаш ёки индивидуал равишда топшириқларни бажариш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш шакллари ҳисобланади. Ушбу босқичда интерфаол методлардан фойдаланиш юқори самара беради.

Бугунги кунда кўплаб замонавий педагогик технологиялар мавжуд, уларга ақлий ҳужум, Б-Б-Б, каскад, пинборд, кластер, зиг-заг, бумеранг, кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазият, кейс-стади, баҳс-мунозара, блиц-ўйин, маъруза дарсларини илмий ва матбуот конференциялар ҳамда семинар-тренинглар шаклида ўтказиш каби ўйинли методлар таълим жараёнида талабаларни фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Юқорида келтирилган илгор педагогик технология методларини қўллаш учун биринчи навбатта талабалар ўтиладиган фан мавзулари бўйича ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуа ҳамда электрон дарсликлар билан таъминланган бўлишлари лозим.

Мазкур мақолани ёзишда мавзу бўйича маълумотлар назарий жиҳатдан ўрганилди, бир қатор зарур илмий ва ўқув методик адабиётлар таҳлил қилинди.

Талабаларга мавзу бўйича нематодалар синфига мансуб бўлган паразит турларининг энг муҳим вакилларининг тузилиши, кўпайиши, ривожланиш босқичлари ва экологияси; паразит нематодалар қўзгатадиган касалликлари ҳамда уларни олдини олиш чоралари каби маълумотлар етказилади.

«Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методи Е.А. Александров томонидан таклиф қилинган ва Г.Я. Буш томонидан ўзгартирилиб йўлга қўйилган. Диалогнинг моҳияти шундаки, коллектив бўлиб ғоялар ишлаб чиқишида иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади. Машғулот босқичма-босқич қўйидаги тарзда ўтказилади:

**1- босқич:** Миқдор ва психологик мулоқоти жиҳатидан мақбул кичик гурухларни шакллантириш.

**2- босқич:** Вазифа, муаммодан келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш.

**3- босқич:** Тўғридан-тўғри «Фикрлар ҳужуми» қоидасига асосан ҳар бир гурухда ғоялар ишлаб чиқиши.

**4- босқич:** Ғояларни тартибга солиш ва таснифлаш.

**5- босқич:** Ғояларни деструктивлаш, яъни амалга ошиши имкониятига қараб баҳолаш.

**6- босқич.** Аввалги босқичларда билдирилган танқидий мулоҳазаларга баҳо бериш. Иштирокчилар: 1) ғоялар ишлаб чиқувчи; 2) муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ғояларни баҳоловчи; 3) зид (қарши) ғояларни ишлаб чиқувчи гурухларга бўлинадиган бўлса самарали натижага эришиш мумкин. 4) Кейинги даврларда «Яширин фикрларнинг шиддатли ҳужуми» шаклидаги метод кенг ривожланмоқда.

**I гуруҳ вазифаси: *Масала.*** Одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи нематодалар синфи вакилларининг тузилиши гапирилди. Одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи нематодалар синфи вакилларининг тарқалиши айтилди. Нематодалар синфи вакиллари қаерларда тарқалган ва уларнинг тарқалиш сабабларини изоҳланг?

Нематодалар тузилишидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

**II гуруҳ вазифаси: *Масала.*** Одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи нематодалар синфи вакилларининг кўпайиши ва ривожланиш тўғрисида маълумотлар берилди. Одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи нематодалар нематодаларнинг кўпайиши ва ривожланиш босқичлари гапирилди. Аскаридоз ва энтеробиоз касалликларини қўзғатувчи нематодаларнинг

кўпайиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот беринг?

Риштанинг оралиқ ва асосий хўжайнилари организмида ривожланиши ҳақида тушунча беринг?

Одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи нематодалар синфи вакилларининг ривожланиш жараёнлари қандай кечади?

**III гурӯҳ вазифаси:** *Масала.* Нематодалар қўзғатадиган касалликларни олдини олиш чоралари ҳақида маълумотлар берилди.

Паразитларнинг тарқалишида оралиқ хўжайниларнинг аҳамияти нимадан иборат?

Илдиз бўртма нематодаларнинг биологик хусусиятлари, қўзғатадиган касалликлари ҳамда заарланишни олдини олиш чоралари?

**IV гурӯҳ вазифаси:** *Масала.* Буғдой бўртма нематодасининг биологик хусусиятлари, қўзғатадиган касалликлари ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлари топширилди. Банкрофт ипчаси билан заарланишдаги “Фил касаллиги”ни олдини олиш чора тадбирлари ҳақида нималарни биласиз?

Трихинеллёзга қарши кураш чоралари нималардан иборат?

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган маълумотлар таълим самарадорлигини ошишига хизмат қиласи ҳамда талабаларда шахсий сифатларини ривожланишига, мустақил фикр юритиш кўникмаларини шакилланишига ва фанларни юқори даражада ўзлаштириб олишларига ёрдам беради, талабалар ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлайди, шунингдек, талабалар ўз устиларида кўпроқ мустақил ишлаш маъсулиятини оширади. чунки интерфаол методларда ўқитувчининг роли катта бўлиб, доимий бошқарувни амалга оширади ва талабалар доим назоратда бўлади, уларни тўғри йўл сари йўналтиради, мустақил фикрлашга ва фикрларини жамлашга ўргатади, изланувчанликларини оширади, саволлар ёрдамида муаммонинг ечимини топишга ундейди.